ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 138 (10.443) / 2005 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



«Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятида йўловчи вагонларни барча қулайликларга эга бўлган тарзда таъмирлашга эътибор қаратилиши баробарида янги вагонлар тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

**СУРАТДА: йўловчи вагонларни таъмирлаш ишларида техник бўлим муҳандиси Андрей Авохисов ва ғилдиракларни қайта тиклаш бўйича токарь Абдушариф Имомовнинг ҳиссалари салмоқлидир.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

### ҚИСҚА сатрларда

● **АЙНИ** кунларда «Ватан», «Хуросон», Абдулла Қодирий, «Боғобод», «Дархон», «Катта Қаъни», «Ўрикзор» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари ҳамкорликларида ташкил этилган инглиз тили бўйича ўқув курси машғулотлари давом этмоқда. Ушбу тадбир августда якунланади.

● **БУГУН** «Отчопар-2» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш масаласига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни «БК ИНТРАНС» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан халқимизнинг маданий мерослари, анъаналари ва удумларини акс эттирувчи амалий тадбир бўлиб ўтди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилоти ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида ташкил этилган «Менинг шаҳрим — менинг уйим» кўрик-танлови ташкилотчиларининг навбатдаги йиғилишида қатнашчилар Юнусобод туманида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишишди.

● **ЯПОНИЯНИНГ** Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари «Камолот» ЁИҲ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ёшлар ҳаракатининг Шайхонтоҳур туман Кенгашига ташриф буюришди ҳамда «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган компьютер дарслари, инглиз тили тўгараги машғулотларини кузатишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Куни кеча пойтахтда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

Шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳри республика иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Хусусан, пойтахтга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизи, саноат маҳсулотларининг — 12 фоизи, ташқи савдо айланмасининг — 44 фоизи тўғри келади. Кейинги йиллар давомида амалга оширилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда мутаносиблик кузатилмоқда.

Шубҳасиз, бу борада пойтахт иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланган саноатнинг ўрни алоҳида аҳамиятлидир. Шаҳарда деярли барча индустриал соҳалар — оғир саноат, машинасозлик, самолётсозликдан тортиб то енгил ва озиқ-овқат саноати, юқори технологик илмий кашфиётлар йўлидаги ишлаб чиқаришдек ноёб саноат корхоналари мавжуд.

Шу билан бирга агарда саноат корхоналари асосий солиқ тўловчи, шунингдек аҳолининг иш билан бандлигини таъминловчи эканлигини, уларнинг катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш қувватларидан иборат салоҳиятга эгалигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу хўжалик субъектларининг барқарор ишлашига ғов бўлиб турган объектив ва субъектив муаммолар ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Чунончи, аввалги йилларга қараганда, саноатнинг айрим тармоқларида ўсиш суръатлари пасайганини кўриш мумкин. Бугунги кунда саноат корхоналари ўз қувватининг ўрта ҳисобда 35 фоизигача фойдаланмоқда. Шу билан бирга уларнинг ичида баъзиларининг саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам улуши паст, самарасиз бўлиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Бу борадаги муаммолар асосан айнан хўжалик субъектларининг бугунги кун талабларига монанд рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини яратувчи янги технологиялар, асбоб-ускуналар киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш учун молиявий имкониятлари чегараланганида десак янглишмаймиз.

Кейинги вақтда кичик корхоналарнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши ошган бўлсада (12 фоизга тенг), лекин бу асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва қисман енгил ва мебель саноат товарлари ҳисобига таъминланмоқда.

Саноат тармоқларининг асосий қисмида аксарият муаммолар инновацион технологияларни жалб этишга тўсиқ бўлаётган инвестицияларнинг йўқлигига бориб тақалмоқда. Қолаверса, ҳануз кредит ажратиш механизми йўлга қўйилмаган, шу жумладан ички бозорда ўз мавқеига эга бўлган корхоналар учун ҳам бу борада сунъий тўсиқлар вужудга келмоқда. Жумладан, кредит олиш имкониятлари чегараланганлиги сабабли «Совпаститал» қўшма корхонаси, «Нерудник» масъулияти чекланган жамияти айни пайтда оғир молиявий аҳволда қолган.

Аммо баъзи хўжалик юритувчи раҳбарлар эса имкониятлари ва шароитлари бўла туриб, шериклар излаш, ички ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига қувватлардан самарали фойдаланиш, ички бозор учун маҳсулотлар етиштиришда ташаббускорлик, фаоллик кўрсатишга ошиқмаётирлар ҳам.

Шу каби масалалар ҳал этилиши, вазиятни холисона ўрганиш ва соҳанинг ривожи учун энг мақбул йўлни белгилашда биринчи галда ҳамжиҳатликда иш юритиш, барча тузилмалар ва бевосита хўжалик раҳбарларининг ўзаро ҳаракати зарурдир.

Тошкент шаҳар Кенгашида сўзга чиққанлар соҳадаги ушбу долзарб масалалар устида фикр юритиб, бу борада пойтахт саноати мажмуасининг мувофиқлаштирувчи ўрни аҳамияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек улар Тошкент шаҳри саноати мавқеини тиклаш ва ривожлантиришга барча саъй-ҳаракатлар сафарбар қилинишига ишонч билдирдилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Раҳмонбек Усмонов шаҳар ҳокимининг саноат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида «Жамиятни ахборотлаштириш муаммолари ва шартлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Тошкент педиатрия ва Самарқанд тиббиёт институтлари клиникаларига ҳамкорлик дастури доирасида Жанубий Кореянинг Квангонг университети вакиллари томонидан болалардаги ўпка касалликларини даволашда қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар топширилди.**

● **Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитаси Ангрен шаҳрида ташкил этган тадбир гиёвандлик иллати, унинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш масалаларига бағишланди.**

● **Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти магистрларининг битирув маросими бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Россиянинг Екатеринбург шаҳрида охирги рус императори, авлиё мақомини олган Николай II ва унинг оила аъзоларини хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.**

● **Япониянинг Хонсю оролининг ғарбий қирғоғида ҳаракатланаётган иккита танкернинг тўқнашиб кетиши оқибатида 1 киши ҳаётдан кўз юмди, 5 нафар киши бедарак йўқолди.**

● **Литва ҳукумати республикада нефть баҳосининг ошишига «ЮКОС» компаниясига қарашли Mazeikiu Nafta шўъба корхонасини айбдор деб ҳисобламоқда.**

● **Хитойлик тадқиқотчилар жаҳондаги энг аниқ қуёш обсерваториясини бунёд этдилар. Мазкур қурилмани 2008 йилда ер орбитасига олиб чиқиш мўлжалланмоқда.**

*Фармойиш ва ижро*

## «МЕН ОФИЦЕР БЎЛАМАН!»

**Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилиш якунланди.**

Давлатимиз раҳбарининг олий ҳарбий билим юртларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланган ушбу Фармойишига биноан абитуриентларнинг бу йилги тест синовлари 10 июлда, курсантларни олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилиш 15 июлда ўтказилди.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашда юртимиз ҳудудидаги ҳарбий ўқув муассасалари орасида бой тажриба ва анъаналари билан ажралиб туради. Ҳозир бу ерда мотоўқчи ва чегара қўшинлари тактик командирлари, қўшин разведкаси тактик командирлари, мотоўқчи ва чегара қўшинлари тарбиявий ишлар бўйича командирлари йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Фармойиш талаблари асосида бу йил мазкур олий ҳарбий таълим муассасасига курсантлар қабул қилишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганлиги яхши самара берди. Билим юртида касбий синовлар (профессионал танлов) икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда абитуриентларнинг жисмоний қобилиятлари, иккинчи босқичда эса индивидуал руҳий хусусиятлари баҳоланди. Бу абитуриентлар билим ва кўникмалари даражаси, ижодий ҳамда жисмоний қобилиятларини аниқлашда асосий мезон бўлди.

Математика, физика, она тили ва адабиёт фанлари бўйича тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи билан тайинланган қабул ҳайъати номзодларни саралаш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги, маънавий-ахлоқий сифатлари, соғлиғи, умумжисмоний ва касбий тайёргарлигини инобатга олган ҳолда тест синовларининг натижалари асосида абитуриентларни билим юртига қабул қилди.

Тўрт йиллик ўқиш давомида билим юрти курсантлари юқори малакали профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида назарий билимларни эгаллайди, мустақил фикр юритиш, олдиларига қўйилган ҳар қандай вазифани аъло даражада тез ва моҳирлик билан ҳал этишга ўрганади.

Битирувчиларга менежмент (транспортда) бўйича мутахассис дипломи топширилади ва «лейтенант» офицерлик унвони берилади.

— Билим юрти курсанти бўлганимдан ғоят хурсандман,— дейди Тошкент вилояти Бекобод шаҳридан Рустам Алиқулов. — Офицерлик касбини эгаллаш менинг бирдан-бир орзуим эди. Мақсадим — келажакда халқимизга, Президентимизга содиқ офицер бўлиш. Малакали ҳарбий мутахассис бўлиб етишимиз учун биз, ёшларга барча шароитларни яратиб бераётгани учун Юртбошимиз Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Оламда нима гап?

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

● Люксембургда Европа Конституциясини ратификация қилиш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Аввалдан олинган маълумотларга кўра, — дейилади CNN телеканали сайтидаги ахборотда, — Конституцияни ёқлаб 56,52 фоиз аҳоли овоз берган бўлса, 43,48 фоизи қарши чиқди. Овоз беришда 230 мингга яқин одам, яъни Люксембургнинг барча аҳолиси иштирок этди.

● Миср маъмурияти Ироқдаги ўз элчихонаси ходимларини қисқартиришга қарор қилди. «Яқинда ўғирлаб кетилган Миср элчиси Ал-Қоида» террорчилари томонидан ўлдирилганлиги ҳақида хабар тарқалгандан сўнг шундай қарорга келинди», дейди Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абул Гейт.

● Франция Шенген келишувига асосан Европада эркин ҳаракатланиш тизимини чегаралаб қўйди. Мамлакат ички ишлар вазири Николя Саркози бу чора-тадбирлар Лондон воқеаларидан сўнг хавфсизликни кучайтириш мақсадида амалга оширилаётганини маълум қилди. Энди Францияга кириб келаётган турли давлатлар фуқаролари қаттиқ текширувдан ўтказилади.

● Қирғизистон президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда «Ҳизб ут-Таҳрир» родикал ислом ҳаракатининг варақаларини тарқатгани учун икки гуруҳ сайловдан четлаштирилди. Мамлакат Ички ишлар вазири Мурат Суталиновнинг маълум қилишича, «Ҳизб ут-Таҳрир»га тегишли яширин босмахона топилган ва бир неча одам қамоққа олинган. Бироқ, вазирнинг қатъий таъкидлашича, сайловлар жараёнида қонун бузилиш ҳолари кузатилмаган.

● Покистонда икки йўловчи поезди тўқнашиб кетди. Хабарларга кўра, темир йўл ҳалокатида ҳалок бўлганлар сони 200 дан 300 нафаргача етиши мумкин. Илк текширув хулосалари шуни кўрсатадики, Лахордан Карачига йўл олган поезднинг орқа вагонлари носозликлар туфайли издан чиқиб кетган ва қарама-қарши томондан ҳаракатланаётган поездга келиб урилган.

● Коми Республикасининг Ухта шаҳридаги дўконда содир бўлган ёнғинга гумон қилиниб, бир неча шахс қўлга олинган. Шаҳардаги дўконда юз берган ёнғин туфайли 24 киши ҳалок бўлган эди. Текширувлар натижасида номаълум бир одам дўконга ўзи билан ёнилғи олиб кириб ёқиб юборган ва бу ердан қочиб чиқиб кетгани маълум бўлган.

● Италия полицияси кенг миқёсдаги антитеррор амалиётларини олиб бормоқда. AFP агентлиги хабарида айтилишича, бир неча кун ичида полицияда шубҳа уйғотган 174 нафар киши ҳибсга олинган. Шунингдек, мамлакатнинг Австрия ва Словения давлатлари билан чегарадош ҳудудларида назорат кучайтирилган. Италия хавфсизлик органлари айнан шу қисмларда «Ал-Қоида» ташкилоти хуфялари бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

### ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

# ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

**Давлатимиз раҳбарининг шу йил июнь ойи давомида қабул қилган янги Фармонлари ва Қарори халқимиз, айниқса, якка тартибда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар ўртасида катта муҳокамага сабаб бўлмоқда. Чунки бу ҳужжатлар ҳақиқатан ҳам кичик бизнес ривожланишида катта имкониятлар яратди.**

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи О.Отажонов шу пайтгача амал қилаётган тартиб-қоидалар асосида фаолият кўрсатиб келади. Аксарият вақти солиқ ҳисоботларини топширишга сарф бўларди. Чунки, биринчидан ҳисобот шакллари жуда кўп, яъни 20 хилдан ортиқ бўлиб, уларни тайёрлагунга қадар анча вақт сарфланса, туман солиқ идорасида ҳисобот топширувчи субъектларнинг кўплиги натижасида навбат кутиш ҳам унинг қимматли вақтини оларди. Эндиликда бу ташвишли ҳолата барҳам берилди. Чунки, 1 июлдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари ҳар ойда эмас, балки йилчоракда бир марта ҳисобот топшириши белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ўз ишини ривожлантириш ва кенгайтиришига яна бир имконият яратилдики, бу бюджетдан ташқари турли хил фонд ва жамғармаларга тўловларнинг сони қисқартирилиши бўлди. Масалан, энди пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси, мактаб фонди кабиларга тўланиши шарт бўлган ортиқча чегирмаларга барҳам берилди. Уларнинг ўрнига ягона солиқ тизими жорий қилинди. Бу чора тадбиркорлар томонидан тўланаётган солиқларни 15,2 фоиздан 13 фоизга тушириш ва тадбиркорнинг даромади ўртасидаги фарқ 2 фоизга ошди.

«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, турли назорат органлари уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олиш, бу аралашувларнинг сонини камайтириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Бундан ташқари, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиш, тугатиш, банкдаги молиявий операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқбузарликлар предметларини давлат ҳисобига ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни 10 кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш, ёки уларни бекор қилиш каби санк-циялар эндиликда фақат суд томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятларини текшириш фақатгина давлат солиқ идораси тизими томонидан амалга оширилиши жорий қилинди. Текширилувчи субъектларнинг фаолиятида жиноят аломатлари аниқланган тақдирдагина республика прокуратураси тизимидаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти ходимлари жалб қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатда назорат органларининг масъул шахслари ўз ваколатлари ва назорат доирасидан ташқари ўтказган текширувлари учун жиноий жавобгарлик жорий қилиниши масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятининг асосий текширувга жалб қилиниш фактларининг кескин пасайишига олиб келиши ҳам тадбиркорлик субъектларининг мақсадларига мувофиқ келди.

«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонда эса, тадбиркорларнинг билиб-билмасдан қилган хатоликлари учун бериладиган жазоларнинг юмшатилиши тадбиркорларнинг алоҳида қувончига сабаб бўлди. Чунки, шу пайтгача улар молиявий қонунбузарликлари учун катта-катта жарималарга тортилган бўлсалар, эндиликда, субъект бир ой давомида ўз хатосини тузатса, у маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Чунки, баъзи молиявий хатоликлар, яъни, бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, тадбиркорнинг бевосита айби ёки ғаразли мақсади натижасида бўлмасдан, балки, унга боғлиқ бўлмаган объектив сабаблар билан юз бериши ҳам мумкин. Иккинчидан, тадбиркорнинг қонунни тўлиқ ўрганмаганлиги натижасида юзага келган бўлиши мумкин. Шу сабабли, уларга бир ой муддат берилиши, бир томондан тадбиркорларнинг ҳисобварақидаги пуллари тугал туришига имкон яратса, иккинчидан уларнинг молиявий ҳужжатларга ва қонунларга бўлган муносабатларини ва масъулиятини оширишга ёрдам беради. Чунки, баъзи молиявий хатоликлар учун белгилаб қўйилган жарималар сони энг кичик маошнинг бир неча юз бараварини ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу чора Президентимиз томонидан ўз вақтида қўлланган энг зарурий ҳолат эканлиги яққол кўринади.

Энг муҳими, бу чора-тадбирлар тадбиркорликни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг янада кенгайишига олиб келиши билан бирга, ҳар бир тадбиркорнинг шахсий моддий ҳолатининг ўсишига имкон яратади. Бу эса жуда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

**Муборак ОТАЖОНОВА,**
**ҳуқуқшунос**

**Юртимизда кичик корхоналар ҳамда хусусий бизнес субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. «Olmos teks» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган корхоналар сирасига киради.**

*Иқтисодиёт*

# ХАРИДОР ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРМОҚДА

— Ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида, — дейди жамият бошқаруви раиси Садриддин Исмоилов, — асосий мақсадни маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, ундан сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратдик ҳамда корхонамиз маҳсулотини экспорт қилишни ҳам режалагандик. Шукрки, ҳамма кўзлаган мақсадимизга эришдик. Лекин изланишимизни сира тўхтатганимиз йўқ. Эндиликда янги марралар сари интиляпмиз.

Бугунги кунда мазкур жамоанинг цехларида ўрнатилган самарали дастгоҳ, ускуна ва хорижий жиҳозлар ишчи-хизматчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Жамоа аҳли томонидан 1 йилда 1000 тоннага яқинни ташкил этадиган қайта ишланган пахта миллий кийим-кечаклар, ўрин-кўрпалар учун ишлатилса, махсус ишлов берилган сифатли пахта эса тиббиётимизда кенг қўлланилади. Айни шундай маҳсулотнинг ўзидан бир йилда 50 тонна тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда. Қувонарлиси, корхонанинг 70 фоиз қайта ишланган пахтаси Россия давлатига экспорт қилинмоқда.

Корхона тадбиркорлари маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш ҳисобига россиялик ҳамкасблари билан ўзаро манфаатли асосларда тузилган шартномаларга кўра у ердан сифатли лен матоси келтирилиб брезент тайёрлашмоқда. Ушбу маҳсулот четдан келтириладиган товар ўрнини босади.

Жамият фаолият юритаётганига етти йил тўлган бўлса, бу давр мобайнида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги иш жойлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди, маҳсулот турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, тадбиркорлик билан юритаётган корхона жамоаси ўтган йили макарон маҳсулотлари чиқарувчи хорижий технологик линия шарофати билан 12 хил турдаги харидоргир маҳсулотлар тайёрлаб, мижозларни мамнун қилмоқда.

Жумладан, жамият аъзолари бугунги кунда тозалаш воситаси ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдики, сифати жиҳатидан хориж маҳсулотидан ҳеч ҳам қолишмайди, бунинг устига нархи анчагина арзон. Корхона маҳсулотлари пойтахтимиздаги 120 тадан ортиқ савдо шохобчаларида сотилмоқда. Яқингинада эса корхонада яна 10 та янги иш ўринлари яратилиб, чеклак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган корхона тадбиркорлари замон билан ҳамқадам бориб, янгиликка ўчликлари, ташаббускорликларини намойиш қилмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Диққат, янгилик!*

# МЕҲМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**Истиқлол шарофати билан шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди, кўли гул қурувчилар томонидан янги-янги муҳташам бинолар, иншоотлар бунёд этилаётганлиги, хиёбонлар, кўчалар кенгайтирилаётганлиги қувонарли ҳол. Шу ўринда туризм соҳасини янада яхшилаш ниятида шаҳримиз меҳмонхоналари жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилаётганлиги кишини қувонтиради.**

"Дедеман Силк роуд-Ташкент" меҳмонхонаси ўзининг жозибаси билан шаҳримиз меҳмонлари эътиборини қозонган.

Куни кеча мазкур меҳмонхона маъмурияти ташаббуси билан ёзги чўмилиш ҳавзаси ҳамда янги Гарден бар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида меҳмонхонанинг ёнидан жой олган ушбу дам олиш масканида катта ёшдагилардан ташқари болалар учун махсус майдонча ва сув ҳавзаси қурилганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Барча қилинаётган ишлар тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига жаҳон андозаларига мос сайёҳлик хизмати кўрсатишдан иборатдир,—дейди бу ҳақда меҳмонхона бош менежери Тайфун Дошкой биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, "Дедеман Силк роуд-Ташкент" пойтахт меҳмонхоналари ичида ўз ўрнини топа олди. Шу боис ҳам Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига сифатли, жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилган ушбу меҳмонхона фаолият бошлаган чўмилиш ҳавзаси ва Гарден бар кўпчиликкка манзур бўлади, албатта.

**Дилором ДЎСТМУХАМЕДОВА**

# ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

**Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг Эргашев номидаги тиббий-санитария қисмида оилада тиббий маданиятни ошириш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган семинар ўтказилди. Унда Ҳамза тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, ФХДЁ бўлимидан вакиллар қатнашиб, маҳалла фуқаролари орасида тушунтириш ишларини олиб боришди.**

Никоҳ қайд этилмасдан аввал никоҳланувчи шахсларни ҳар бири тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги қарори билан мустаҳкамланган. Ушбу қарор ногирон болалар туғилишини олдини олиш, соғлом оила қуришни таъминлашга қаратилган. Айниқса руҳий, наркологик, сил, ОИТС каби касалликлар бўйича чуқур текшириш ишлари олиб борилади. Тўй ўтганидан кейин бу каби касалликларнинг аниқланиши ёш оилаларнинг ажралиб кетишига ёхуд туғма ногирон болаларнинг туғилишига сабаб бўлади. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун шифокорлар маҳалла фаоллари ёрдамида аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Туман ФХДЁ бўлими вакилларининг маълумотларига кўра, ўтган йилнинг шу даврида 120 та никоҳдан ажрашиш қайд этилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 56 тага камайган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш ҳақидаги қарорлар самараси ўлароқ юртимизда ҳар томонлама соғлом оилалар вужудга келяпти.

**"Туркистон-пресс"**





*Оромгоҳларда*

# МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

**Ёз фаслини болажонларимиз интиқиб кутадилар. Чунки ушбу фаслда кичкинтой дўстларимиз ёзги оромгоҳларга, дам олиш масканларига йўл оладилар. Болаларнинг ҳам маданий, ҳам жисмоний ҳордиқ чиқаришлари учун ёзги дам олиш оромгоҳлари, айниқса барча қулайликларга эга замонавий соғломлаштириш масканлари алоҳида аҳамиятга эга.**

Ўтиб бораётган ёзги таътил давомида шаҳримиз ёшлари, болажонлар ўзларига қулай шароитда мазза қилиб дам олишмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги деярли барча умумтаълим мактаблари қошида очилган ёзги оромгоҳлар, майдончалар фикримизга мисол бўла олади. Болаларнинг яхши дам олишлари учун барча қулайликларга эга бу каби оромгоҳ ва сиҳатгоҳларнинг сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги қувонарлидир, албатта.

Мана шундай намунали ёзги дам олиш масканни сирасига Чилонзор туманидаги 217-мактаб қошидаги "Орзу" соғломлаштириш оромгоҳини киритишимиз мумкин. Ушбу масканда ҳозирда 50 дан ортиқ болалар ҳордиқ чиқаришмоқда.

— Бизнинг "Орзу" соғломлаштириш майдончамиз ярим навбатда ўз фаолиятини олиб боради. —Спортга қизиқувчан болалар учун шахмат, шашка, бадминтон тўгараклари ташкил этилган. Шунингдек, рассомчилик, тикувчилик, тўқувчилик тўгаракларини олиб борамиз,— дейди биз билан суҳбатда 217-мактаб директори Умида Орипова. — Ҳар навбат ўзгарганда бизда дам олиб кетган болалар қаторида бошқа мактаб тарбияланувчилари ҳам келишади. — Уларнинг маданий ҳордиқ олишлари учун тез-тез концерт дастурлари ўтказилади. Шунингдек, болаларнинг соғлиғини яхшилаш мақсадида уларни тонгги бадантарбия машқларини мунтазам бажариб туришга ўргатамиз.

Биз оромгоҳда дам олаётган болакайлар билан учрашиб, уларнинг фикрмулоҳазалари билан қизиқдик.

**Ўткирбек КАРАШЕРОВ:**

— Мен ушбу оромгоҳда ҳар ёзги таътилда дам оламан. Ўзим шу мактаб ўқувчиси бўлганлигим боис, ўқитувчиларимдан ёзги таътилда ҳам ажрагим келмайди. Бу ерда шахмат, шашка, теннис бўйича мусобақаларда қизиқиб иштирок этаман.

**Шаҳноза ҚОДИРОВА:**

— Мен ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказишни жуда ёқтираман. Бу ерга иложи бўлса, ҳар таътилда келишга ҳаракат қиламан. "Орзу" болалар оромгоҳида кўп тўгараклар очилган. Уларга қатнаб, ижодий маҳоратимни ривожлантиришга интиламан, тикиш ва тўқишнинг янги-янги усулларини ўрганаман. Шунингдек, кўплаб дўстлар орттираман.

Дарҳақиқат, болаларнинг дам олишлари, қизиқарли машғулотлари билан шуғулланишлари, ҳар хил ўйинларни ўйнашлари учун оромгоҳда барча шарт-шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, ёзнинг иссиқ кунларида бу ерда дам олаётган болакайларнинг чўмилишлари учун сув ҳавзаси ҳам мавжуд. Спортнинг сузиш турига қизиқувчи ёшлар ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишмоқда.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: "Орзу" болалар оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.**

*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Дам олиш куни «Олой» бозорига бордик. Бозор ҳар доимгидек гавжум. Айни пишиқчилик эмасми, расталарга қараб туриб, кўзинг қамашади. Бир-биридан чиройли маҳсулотлар, сифатига ҳам гап йўқ. Улар пештахталарга шу қадар моҳирона териб қўйилганки, худди истеъдодли мўйқалам соҳибининг бирон-бир полотноға туширилган рангтасвир асарини эслатади.

Фақат кўрсангу, завқланиб ўтиб кетаверсанг яхши. Лекин уларнинг нархини сўрасанг, эшитиб бир сапчиб тушасан. Сабаби— нархлар осмонда.

—Узумингиз неча сўм? — сўраймиз саватга чиройли тизиб қўйилган узумларга ҳавас билан тикилиб.

— 3 минг сўм.

Ажабланиб яна сўраймиз.

— Мунча қиммат?

— Келинг, сиз 2,5 минг сўм бера қолинг, майин жилмайди ўзини кўз-кўз қилгудек пардоз-андоз қилиб олган сотувчи аёл.

— Барибир қимматда.

— Вой акажон, бу маҳсулотларни олиб келиш ҳам бизга арзонга тушаётгани йўқ. Лоақал сиздан менга қоладигани 200 сўм. Шунисига рози бўлсангиз бас.

Боринг, ўша аёл айтгандек ҳам бўла қолсин (Бошқа бозорларни билмадигу, лекин Юнусобод бозорида шунақа узумнинг нархи 1000 сўмдан 1,5 минг сўмгача). Ҳар килограмм узумдан 200 сўмдан қолса (бир кунда бу аёл ҳеч бўлмаганда эрталабдан кечгача 30-40 килограмм узум сотар) ҳисоблаб кўринг, қанча бўларкан? Бунинг устига у биргина узум эмас, бир неча хил мева маҳсулотларини сотяпти. Хомчўт қилгангингизда ҳам анча-мунча мўмай даромад кўзга ташланади, шундайми?

Аёл билан баҳслаша-баҳслаша нари кетдик. Энди помидорнинг баҳоси билан қизиқамиз. Бир чеккадан нархини сўраб борамиз. Ҳамманинг жавоби бир хил.

— 400 сўм.

Ёнимиздаги шеригимиз ҳайрон.

— Булар олдиндан келишиб олган шекилли-да, ҳеч бўлмаса биттаси 350 сўм десачи, — дейди ҳайрон бўлиб.

Келинг, яхшиси гапни кўп чувалатмай бошқа маҳсулотлар баҳосини айтмайлик ҳам, куймайлик ҳам. Хулоса битта: «Олой» бозори бошқа бозорларга нисбатан анча қиммат. Ҳатто баъзи маҳсулотлар баҳосида тенг баравар ортиқлик кўзга ташланади. Кейинги вақтларда бу бозор ҳақида гап кетса баъзилар унга: «Бу бойлар бозори» деган таърифни беришарди. Шу куни биз ҳам шу таърифга ишонгандек бўлдик.

Албатта бозор-бозор-да, талашасан, тортишасан. Ўзингга, ҳамёнингга маъқул келганини танлаб оласан. Лекин сотувчида ҳам, олувчида ҳам инсоф бўлгани яхши эканда. Агар у орадан кўтарилса, билмадик нима бўлади? Бозор мутасаддилари эса маҳсулотлар баҳосидан бохабар бўлиб туришлари керак. Айтадиларку, «Бозор бедарвоза эмас» деб.

**Ҳайдар СОДИҚОВ**

# ТАДБИРКОРМИ Ё ФИРИБГАР?

Ёзнинг иссиқ кунлари соя-салқин жойни истаб қоласан киши. Шунақа сўлим ерда бироз бўлса-да ўз ёқтирган қадрдонларинг билан чақчақлашиб, ҳордиқ чиқаргинг келади. Кечаги дам олиш куни биз ҳам яқин дўстимиз билан Юнусободдаги фавворали кафеда бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқариб ўтирардик. Авжи суҳбатимиз қизиган пайт бир нотаниш йигит келиб биз билан эски қадрдонлардек кўриша кетди.

— Мени танимадинглар-а? — сўради у олдимизда турган бўш стулга бемалол жойлашиб ўтиргач. Табиийки биз «йўқ» деб жавоб бердик.

— Мен сизларни жуда яхши танийман. Чойинглар борми, ёки чой чақирайми? Мабодо кўнгил у-бу ичишни тусаса, унисини ҳам бир зумда ест қиламиз.

Саховатли меҳмонга миннатдорчилик билдирдик.

— Энди сизларга ўзимни таништирай. Мен энг бой тадбиркорлардан-ман. Таниш-билишларим ҳам, топиш-тутишларим ҳам яхши. Агар сизларга бирор ёрдамим керак бўлса тортинмай айтаверинглар.

Биз ҳайрон бўлиб елка сиқдик. У эса сўз бермай сайраб кетди. Суҳбатимиз бузилганидан ранжиб йигитга:

— Биродар, сизга минг раҳмат. Кечирасиз, бизнинг ўзаро гапимиз бор эди, — дедик гапни қисқа қил деган маънода.

— Яхши, яхши, — деди у. Ҳозир тўхтатаман. Биласизми, менинг бир қўшним бор ўлгудек бемаза. Айтинглар, шундан қандай қилиб қутулсам бўлади.

— Судга беринг, — деди дўстимиз йигитнинг бемаъни гапидан аччиғланиб.

— Майли, мен борай бўлмасам, лекин телефонимни ёзиб олинглар. Ҳар қалай керакли одамман.

У қўярда-қўймай бизга телефон рақамини айтиб ёздирди. Кейин ўрнидан турди. Чўнтакларини кавлаштира туриб ялингансимон:

— Кечирасизлар, отахонлар, пулим нариги шимимда қолиб кетибди. Менга бир соатга минг сўм бериб туролмайсизларми? — деб қолди.

Айтгани биздан унмади. Иложини тополмагач у олдимиздан нари кетди. Кузатиб турсак рўпарамизда суҳбатлашиб ўтирган икки кишининг олдига бориб ўтирди. Улар билан ҳам қуюқ сўраша кетди. Кейин бизга айтган дийдиёсини бошлади.

— «Тадбиркор»нинг фирибгар тури ҳам чиқибди-да, — деди ҳамроҳим йигитнинг қилмишидан ранжиб.

Кейин негадир суҳбатимиз унчалик қовушмади. Уйимизга тарқадик. Ҳаётда шунақа одамлар ҳам учраб туради. Бу гапни айтишимиздан мақсад, борди-ю сизларга ҳам шунақа фирибгарлар учраб қолса уларнинг сўзларига асло учманг, азизлар.

**Ҳамро САЛИМОВ**

Охири. Боши 4-5-бетларда.

13.10 Тайны века. «Пропавший сын Никиты Хрущева»
14.20 Сериал «Закон джунглей»
14.40 Сериал «Сыщики»
15.50 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.30 «Пять вечеров»
18.50 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 «Кривое зеркало»
22.00 Комедия «Дюплекс»
23.40 Фильм «Директор»
1.40 Фильм «Ужасно большое приключение»
3.40 Сериал «Относительность».

### Россия

4.00 «Доброе утро, Россия!»
7.45 Сериал «Право на защиту».
8.45 «Никита Михалков. Русский выбор». Казаки.
9.50, 12.45, 15.30, 18.45 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.10, 15.40, 19.30 Местное время. Вести-Москва.
10.50 Детектив «Противостояние».
12.20 «Чеченский герой России».
13.30 Сериал «Крот-2».
16.10 «Кулагин и партнеры».
16.45 Сериал «Кармелита».
17.45 Сериал «Исцеление любовью».
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Кривое зеркало. Театр Евгения Петросяна».
22.05 «Звуковая дорожка МК» в Лужниках.
23.30 Комедия «Охотники за привидениями» (США).
1.40 «Дорожный патруль».
1.50 Фильм «Доморощенный» (США).
3.45 Сериал «Закон и порядок»
4.30 Канал «Евроньюс» на русском языке

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/ф «Гарфилд».
8.30 М/ф «Маска».
9.00 М/ф «Человек-паук».
9.30, 14.30 М/ф «Улыбка да Винчи».
9.45, 14.45 М/ф «Козлёнок».
9.55, 14.55 М/ф «Ванюша и космический пират».
10.00 Х/ф «Угонщики».
12.00 Х/ф «Страна обезьян».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Голливуд On-Set.
15.30 Х/ф «Правила боя».
18.00 Х/ф «4400».
19.00, 1.00 Телесериал «Ее звали Никита».
20.00 Телесериал «Третья смена».
21.00 Х/ф «Призрак и тьма».
23.10 Х/ф «Скрытая угроза».
2.00 Х/ф «Крутой поворот».

### НТВ

5.00 «Сегодня утром»
7.15 «Тайны разведки».
7.55 Сериал «Линия защиты»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 «Сегодня»
9.15 «Военное дело»
9.50 Сериал «Только ты...»
10.55 Детектив «Жизнь - поле для охоты»
12.35 Фильм «Зимний вечер в Гаграх»
14.35 «Игры разума»
15.20 Ток-шоу «Принцип домино»
16.30 «Шоу Степаненко»
17.35, 20.50 «Чрезвычайное происшествие»
18.40 Боевик «База-2» (США-Канада)
21.40 «Совершенно секретно. Информация к размышлению».
22.35 Фильм «Стриптиз» (США)
1.05 Бильярд
1.30 «Кома: это правда»
2.10 Сериал «10 - 8»
3.15 Остросюжетный сериал «Морская полиция. Спецотдел»
4.05 Сериал «Неизвестная война»

## ШАНБА, 23

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Озод бургутлар парвози». Ҳужжатли телесериал.
«Болалар сайёраси»: 9.30 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож».
10.20 «Мусиқа дунёси».
10.50 «Ҳидоят сари».
11.10 «Чолиқуши». Телесериал. 5-қисм.
11.50 «Оналар мактаби».
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Дўстлик» театрлари. 1. «Бизнен мирас». 2. «Истоки».
12.45 «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.55 ТВ анонс.
14.00 Янгиликлар.
14.10 «Зомин илҳомлари».
14.30 Спорт янгиликлари.
14.45 ТВ анонс.
14.50 «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.55 ТВ альбом.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
16.10 «Қорақалпоқнома».
16.30 «Қобил ота уйланармиш». Видеофильм. 1-қисм.
17.05 «Бизнес ҳафта».
17.20 «Интеллектуал ринг».
18.00 ТВ анонс.
18.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.20 «Чолиқуши». Телесериал. 6-қисм.
19.05 «Ёшлик наволари».
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳаёт давом этади».
20.20 ТВ анонс.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Меҳр кўзда».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Қизлар даврасидa». 1-қисм.
22.35 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информациондам олиш дастури.
8.30 Мафтунингман, диёрим!
8.35 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Эсмеральда». Телесериал.
9.55 Ўқишга марҳамат.
10.00 Ватанпарвар.
11.00, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.10 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
11.55 Табобат оламида.
12.20 Оҳанрабо.
13.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
13.45 Кутилмаган меҳмон.
14.10 «Ёшлар» телеканалида премьера: Салоҳиддин Сирожиддинов. «Осмоннинг бағри кенг». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
15.25 Мезон.
15.45 «Осмоннинг бағри кенг» спектаклининг давоми.
16.30 Интерфутбол.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
17.45 Бола тилидан.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Мафтунингман, диёрим!»
19.45 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
20.35 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Кулгуч.
22.55 «Скарлетт». Бадиий фильм. 1-2 қисмлар.
0.25-0.30 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 «Мульткарусель».
17.40 «Охотники за неизвестными животными». Документальный фильм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.55 Информационная программа «Пойтахт».
18.50 «Шунака гаплар». Хажвий курсатув.
19.10, 21.30 Телегазета «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.20 Юбилейное представление зимнего цирка «Буглион». 1-часть.
21.50 «Пойте с нами».
22.35 «Ёшлар даврасида».
23.15 Кинооко: «Моя прекрасная Леди».
1.50-1.55 Спокойной ночи, город!

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 «Мультсериал».
9.10 «Три окна». Макаревича А.
9.50 «Большое кулинарное путешествие».
10.30 «Стать ближе».
11.10 «История с географией».
12.00 «Умницы и умники».
12.40 «В мире спорта».
13.10 Гандбол. Чемпионат Узбекистана.
13.40-14.10 «Рекорды Гиннеса».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.35 Тяжелая атлетика.
17.55 Международный чемпионат по водным видам спорта.
18.55 «Пик победы».
19.15 «Его знали только в лицо». Док. фильм.
20.00 «Вести».
20.20 Музыкальная программа.
21.00 «Нокаут».
21.30 «Новости».
21.45 «Спорт – моя жизнь».
22.00 «Евро-2004». «Хорватия» - «Англия».
23.35 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.25 «Детский час», мультсериал
9.50 Фильм детям: «Капитан «Пилигрима», приключения
11.20 «Ошикона»
12.05 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса
12.50 Спорт-Экстрим
13.25 «Детский час», мультсериал
13.50 Индийское кино: «Кто я для тебя»
16.30 Болалар соати
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Ошикона»
18.30 Киновечер на «30-м»: «Мистер несчастный случай», комедия
20.00 «Хикоя», общепознавательная передача
20.20 Хит-парад.uz
21.40 «Теле-хамкор»
22.00 «Солдаты 3», сериал
23.00 «Ночной канал» «Время не ждёт», остросюжетный фильм

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Лучшие звери в кино». Док.фильм
6.00 Остросюжетный фильм «Рысь выходит на тропу»
7.20 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 «Большое кулинарное путешествие»
10.30 Дисней-клуб: «Кряк-бригада»
11.10 История с географией. «Артек»: пионерская сказка»
12.00 Умницы и умники
12.40 «Русская звезда Голливуда». Док.-фильм
13.50 Исторический фильм «Жанна Д'Арк»
16.40 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса.
17.10 Субботний «Ералаш»
17.30 Комедия «Невестка»
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 Время
20.20 Большая премьера
21.50 Боевик «На грани»
24.00 Триллер «Операция «Абсолон»
1.40 Триллер «Остров призраков»
3.30 Триллер «Охотник»

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!»
6.40 «Золотой ключ».
7.00, 10.00, 13.00, 19.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Русское лото».
7.55 «Утренняя почта».
8.25 Детектив «Пуаро Агаты Кристи. Смерть лорда Эджвара» (Великобритания).
10.20 «В поисках приключений».
11.20 «Комната смеха».
12.10 «Советская империя. Сочи». Фильм
13.20 Фильм «Хозяин тайги».
15.00 «Земное и небесное. Третий Рим».
15.40 «Земное и небесное. Раскол».
16.20 Сатирическая комедия «История с метранпажем».
17.00 «Веселый вечер «Аншлага».
19.25 «Честный детектив».
19.55 Торжественная церемония закрытия XIV Международного фестиваля «Славянский базар в Витебске».
21.45 Фильм «Не все кошки серы».
23.40 Триллер «Ганнибал» (США).
2.25 «Горячая десятка».
3.20 Фильм «История вершится ночью» (Великобритания - Франция - Финляндия).

### ТВ-3

7.30 М/ф «Сказка».
7.45 М/ф «В стране невыученных уроков».
8.00, 14.45 М/ф «Как один мужик двух генералов прокормил».
8.15, 14.30 М/ф «Бабушка удава».
8.30 М/ф «Маска».
9.00 М/ф «Человек-паук».
9.30 М/ф «Черепашки-ниндзя: новые приключения».
10.00 Х/ф «Принц и нищий».
12.00 Х/ф «Ангел-хранитель».
14.00, 19.30 «Осторожно, модерн!»
15.00, 19.00 Голливуд On-Set.
15.30 Х/ф «Прибытие».
18.00 Х/ф «4400».
20.00, 20.30, 1.00, 1.30 Телесериал «Откройте, милиция».
21.00 Х/ф «Криминальная зона».
23.00 Х/ф «Проклятие острова Комодо».
2.00 Х/ф «Скрытая угроза».

### НТВ

5.00 Боевик «База-2» (США-Канада)
6.30 Национальное Географическое Общество - детям
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 Детектив «Полицейский Кэттс и его собака»
7.50 «Без рецепта».
8.25 «Дикий мир»
9.20 «Растительная жизнь»
9.55 «Кулинарный поединок»
10.55 «Квартирный вопрос»
12.20 «Особо опасен!».
12.55 «Своя игра»
13.55 Остросюжетный сериал «Кодекс чести»
15.20 «Женский взгляд»
15.55 Чемпионат России по футболу. «Москва» - «Локомотив».
18.35 Профессия - репортер.
19.05 Фильм «Практическая магия» (США)
21.20 Комедия «Полицейская академия-4. Гражданский патруль» (США)
23.10 «Мировой бокс. Ночь нокаутов»
23.50 «Фактор страха».
00.55 Фильм «Двадцать девять пальм» (Франция-США-Германия)
3.10 Фильм «Плотская любовь» (США)

## ЯКШАНБА, 24

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак» экрани.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 «Меҳр кўзда».
11.50 «Чолиқуши». Телесериал. 6-қисм.
12.35 ТВ анонс.
12.40 «Дўстлик» тележурнали. 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
13.10 «Ҳаёт давом этади».
13.30 «Иложсиз муҳаббат». Бадиий фильм.
15.05 ТВ анонс.
15.10 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
15.55 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Отбеги».
16.15 «Қобил ота уйланармиш». Видеофильм. 2-қисм.
16.45 «Муҳаббат қўшиқлари».
16.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож».
17.50 «Қундуз бобо ҳикоялари». Мультсериал.
18.20 ТВ анонс.
18.25 Мумтоз наволар.
18.40 «Одами эрсанг».
19.00 ТВ анонс.
19.05 «Тамаддун».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» хазинасидан.
22.05 «Қизлар даврасидa». 2-қисм.
22.50 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информациондам олиш дастури.
8.30 Мафтунингман, диёрим!
8.35 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
8.55 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
10.15 Кулгуч.
10.25 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
10.45 «Сен ёлғиз эмассан». Видеофильм.
11.10 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
12.10, 14.45, 17.30, 19.30 ТВ - анонс.
12.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
12.35 «Маҳобҳорат». Телесериал.
13.20 Ёшлик наволари.
13.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.20 Азизим.
14.50 «Мимино». Бадиий фильм.
16.20 Чемпион сирлари.
16.40 Ринг қироллари.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
18.00 «Мульттомоша».
18.15 Сув-ҳаёт манбаи.
18.20 Мафтунингман, диёрим!.
18.25 «Эрамиздан аввалги дунё». Илмий-оммабоп фильм. 1-қисм.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Ёшлик тароналари.
19.50, 20.40 Эълонлар.
19.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.45 Оҳанрабо.
21.25 «Скарлетт». Бадиий фильм 3-4 қисмлар.
22.55 - 23.00 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.20 Программа передач.
17.30 «Волшебный мир сказок».
18.55 Юбилейное представление зимнего цирка «Буглион». 2-часть.
19.40, 21.30 Телегазета «Экспресс».
20.0 «Пойтахт плюс».
20.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.50 «Нима учун?»
21.50 «Тв плюс».
22.20 «Будьте счастливы».
23.05 Кинооко: «Джинджер и Фред». 1-2 серии.
1.10-1.15 Спокойной ночи, город!

### «Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 «Секреты здоровой пищи» (на английском языке)
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Веселые старты».
10.50 «Ваш соперник гроссмейстер».
11.10 Живой мир.
12.20 Дональд Дак представляет.
12.40-15.00 «КВН-2005».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.35 Гандбол. Чемпионат Узбекистана.
18.05 Международный чемпионат по водным видам спорта.
19.05 «Ха». Маленькие комедии.
19.35 «Тайм-аут».
20.00 «Вести недели».
21.00 Музыкальная программа.
21.15 «Спорт – моя жизнь».
21.30 «Новости».
21.45 «Проф-РИНГ».
22.35 «Евро-2004». «Дания» - «Швеция».
00.10 «Спокойной ночи!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.25 «Детский час», мультсериал
10.00 «Юлдузлар табриги»-ёшлар учун мусиқий дастур
11.00 «Еввойи сайёра», хужжатли фильм узбек тилида
11.20 «Теле-хамкор»
11.40 Документальный сериал
13.00 «Спорт-Экстрим»
13.30 Хит-парад.uz
14.50 Болалар соати
15.45 Дневной кинозал «Время не ждёт» остросюжетный фильм
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Мусиқий лахзалар»
18.20 Киновечер на «30-м»: «Остаться в живых», приключения
19.50 «Ошикона»
20.35 «Солдаты 3», сериал
21.35 «Теле-хамкор»
21.55 «Мусиқий лахзалар»
23.00 Воскресный киновечер на «30-м» «Тренировочный день», остросюжетный фильм
00.00 Программа передач

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.10 «Лучшие звери в кино». Док.фильм
5.40 Фильм «Встреча в конце зимы»
7.20 Служу Отчизне!
7.40 Дисней-клуб: «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных»
9.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.10 Живой мир. «Два пятачка»
12.20 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
12.50 «КВН-2005». Высшая лига. Третья игра сезона
15.00 Детектив «Женская логика»
17.00 «Новые песни о главном»
18.20 Приключенческий фильм «Остаться в живых».
20.00 Время
20.20 Триллер «С меня хватит!»
22.30 «Вне игры». Юмористическая программа
23.30 Бокс. Глен Джонсон - Антонио Тарвер
00.30 Суперчеловек. «Последний неандерталец».
1.30 Сериал «Секретные материалы» («X-files»)
2.20 Комедия «Братья Ньютон»

### Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!»
7.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
7.10, 10.15 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Студия «Здоровье».
7.50 «ТВ Бинго шоу».
8.05 Детектив «Пуаро Агаты Кристи. Убийство в Месопотамии» (Великобритания).
10.25 «Городок».
11.00 Детектив «Приключения мага».
12.00 «Тайны Болливуда».
13.20 Мелодрама «Золото из бездны» (Индия).
16.10 «Комната смеха».
17.10 «Наши песни».
19.25 «Специальный корреспондент».
19.50 Триллер «Тайные агенты» (Франция - Италия).
22.00 Боевик «Патруль времени» (США - Япония).
23.55 Остросюжетный фильм «Спаун» (США).
1.35 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Германии.
2.40 Детектив «Прочная сеть» (США).
3.25 Канал «Евроньюс» на русском языке

### ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 М/ф «Пингвины».
8.15 М/ф «На даче».
8.30 М/ф «Диалог (крот и яйцо)».
8.45 М/ф «Ну, погоди!»
9.00 М/ф «Малыш и Карлсон».
9.15 М/ф «Карлсон вернулся».
9.30 М/ф «Пес в сапогах».
10.00 Х/ф «Ради любви к Бенджи».
11.40 Х/ф «Клеопатра».
14.30 Окно в мир.
15.00 Х/ф «Страна обезьян».
16.50 Х/ф «Призрак и тьма».
19.00 «Голливуд On-Set».
19.30 «Осторожно, модерн!»
20.00, 1.00 Телесериал «Вечное лето».
21.00 Х/ф «Обитель зла».
23.00 Х/ф «Биовульф».
2.00 Х/ф «Проклятие острова Комодо».

### НТВ

5.05 Комедия «Беспокойное хозяйство»
6.30 Детское утро на НТВ.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 Детектив «Полицейский Кэттс и его собака»
7.40 «Их нравы»
8.25 «Едим дома»
9.15 «Чистосердечное признание».
9.50 «TOP GEAR».
10.25 Фильм «Отряд особого назначения»
12.20 «Военное дело»
13.00 Фильм «Лох - Несс» (США - Великобритания)
15.15 «Тайны разведки»
15.55 «Своя игра»
16.55 Остросюжетный сериал «Кодекс чести»
18.40 «Чрезвычайное происшествие»
19.15 Фильм «Вокзал для двоих»
22.10 «Высоцкий в кино. Своя колея»
23.40 «Фактор страха».
00.35 Детектив «Большой сон» (США)
3.10 Фильм «Тупик» (Великобритания)

*Бу — қизиқ*

## АНТИҚА ЧЕМПИОНАТ

**Австралиянинг курорт шаҳарларидан бири — Кэрисда (Квинсленд штати) тарихида биринчи марта тимсоҳлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилди.**

Теннис кортида бўлиб ўтган антиқа чемпионатда 15 сантиметрдан икки метргача бўлган 36 та тимсоҳ қатнашди. Қизиқарли ўтган бу мусобақа давомида тўққиз қатнашчининг оёқ ва думлари рақиблари томонидан ғажиб ташланганлиги маълум бўлди.

## БОЛАЛАРНИНГ ОҒИРЛИГИ ОШМОҚДА

**Тўйиб-тўйиб овқатланиш, бироқ, балиқ, сабзавот таомларини истеъмол қилмаслик японларнинг қадди-қоматига, ташқи қиёфасига ёмон таъсир қилмоқда.**

Японияда ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, кейинги 30 йил ичида япон болалари бўйи анча ўсиб кетган,вазни эса оғирлашган ҳамда кўриш қобилияти ёмонлашгандир. Маълум бўлишича ҳозирги 14 ёшли ўғил болалар 1961 йилдаги тенгқурларидан 9,3 сантиметр, қизлар бўлса 5,5 сантиметр новчароқдир. Уларнинг вазнлари ҳам бирмунча оғирлашган — мисол учун 17 ёшли йигитлар 30 йил аввалги тенгқурларига нисбатан 5.9 килограмм оғирдир. Бир вақтлар ўзларининг нозикликлари билан довруғ таратган япон қизлари ҳам анча "оғирлашганлар". 11 ёшли қизчанинг вазни 30 йил бурунги қизлардан ўртача 6,5 килограмм оғирдир.

## ЗИРАК ЕЧИЛСИН

**Командиридан қулоғидан зиракни ечиш ҳақидаги буйруқни олган норвегиялик ҳарбий хизматчи ўзини камситилган ҳисоблаб, уни судга берди.**

Бу ишни кўриб чиққан трибуналнинг фикрича, Норвегия армиясида хизмат қилувчи аёллар зирак тақиш ҳуқуқига эгалар, демак, эркакларга уни ман этиш камситишга олиб келади. Суд ҳайъати шундай қарорга келди: солдат хизматдан ва ўқув машғулотларидан бўш вақтида зирак тақиши мумкин.

## ҚУШЛАРНИ САҚЛАНГ

**Перу қишлоқ хўжалиги вазирлигининг юқори лавозимдаги икки ходими — Гонсало Браво билан Наполеон Кастро ишнинг бунчалик тескарисига айланиб кетишини кутмаган эдилар.**

Ҳукумат нашрида эълон қилинган махсус қарорда айтилишича, улар Япония кампанияларидан бирига 16 та тўтиқушни чет элга олиб кетишга рухсат беришгани учун жавобгарликка тортиладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 16 қушдан 3 та ноёби мамлакатда олиб қолинди. Вазирлик ходимларини катта кўнгилсизлик кутмоқда, чунки Перу қонунига кўра, ноёб ҳайвон ва қушларни бошқа давлатларга олиб кетиш тақиқланади. Перуда бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи бор бўлган Амазонка тўтиқушининг нархи чет элда минг долларга чиқиб кетган.

*Назм*

## ОЗОД ЮРТИМ

*Бу ўлканинг бағри эрур жаҳондек кенг,*
*Бу ўлкада барча эллар аҳилу тенг,*
*Келажаги порлоқ унинг, бўлмайди хор,*
*Суюкдур у, буюкдур у кўп улуғвор.*

*Бўй чўзмоқда ҳумодайин оламаро,*
*Дўстлари шод, ғанимларнинг бағри яро.*
*Тинчлик дея тиним билмай ишлайди у.*
*Эзгуликнинг маёғини ушлайди у.*

*Истардим мен, элим бўлсин доим омон,*
*Истардим мен, ҳукм сурсин сокин замон.*
*Истардим мен йўлларига шуъла тўлсин,*
*Истардим мен бағри доим гулга тўлсин!*

*Тинчлик ёрдир ниятимга ҳарвақт етгум,*
*Қадди баланд, қадри баланд озод юртим.*

## ҲУР ЧАҚАЛОҚ

*Кўп интизор кутган кунлар келди бугун,*
*Неча йиллик орзуимиз кулди бугун.*
*Дастурхон ҳам тўлиб тошди ноз-неъматга,*
*Уй гўдакнинг йиғисига тўлди бугун.*

*Бағри бутун, бахти бутун бўлдик бугун,*
*Янги меҳмон «инга» айтиб келди бугун.*
*Шодликларга ошиёндир юрагимиз,*
*Алпомишдек полвон ўғил кўрдик бугун.*

*Ушалгандир неча йиллик армонимиз,*
*Бунга сабаб митти азиз меҳмонимиз.*
*Еру осмон авайласин мудом уни,*
*Ахир гўдак эрур жону жаҳонимиз.*

*Ушбу гўдак бўлғусидир буюк инсон,*
*Бўлғусидир ўз элига таянч, қалқон.*
*Бўлар доим буюк элнинг хизматида.*
*Ватанига садоқатли фидои жон.*

*Ҳамма унинг меҳнатига қойил қолсин,*
*Одамийлик ҳам камтарлик йўлдош бўлсин.*
*Кўришганда ғам-ташвишни унутайлик,*
*Пок чеҳрада чарақлаган қуёш кулсин.*

*Ҳар оила кўрсин шундай ҳур чақалоқ,*
*Чунки улдир энг бебаҳо дур чақалоқ.*
*Умри билан, бахти билан берсин Аллоҳ,*
*Бугун юртга файз-барокот нур чақалоқ.*

## ОДИЛ ИНСОН БЎЛ

*Қолай десанг дилларда мангу,*
*Рўёб топсин десанг ҳар орзу.*
*Сен ҳаётда одил инсон бўл,*
*Яхшиликка қодир инсон бўл.*

*Ютуғингдан диллар қувонсин,*
*Халқинг сенга доим ишонсин.*
*Камтарликни айлагил одат,*
*Адолатдан қургил иморат.*

**Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ**



Бол ширин, болдан ҳам бола ширин, дейди халқимиз. Мурғак дилбандларимизнинг шўх қийқириқлари, қувончу шодликларига шерик бўлишга нима етсин...

*Кўргазма*

## «Артитюд»да ўзбек рассомлари асарларининг намойиши

**Париждаги «Артитюд» галереясида ўзбек рассомлари асарларининг кўргазмаси очилди. У Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.**

Кўргазмани очар экан, галереянинг бош директори Жан Пьер Лоррие Парижда ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг асарлари кўргазмасини ўтказиш анъанага айланиб бораётганидан мамнуният изҳор этиши баробарида уларда намойиш этилаётган асарлар ўзининг ўхшаши йўқлиги ва жозибадорлиги билан кўплаб франциялик санъат ихлосмандларининг эътиборини қозонаётганини алоҳида таъкидлади.

Бадиий академия кўргазмалар дирекциясининг бош директори Собир Раҳметов тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда тасвирий санъат ривожланишининг аҳволи ва анъаналари хусусида атрофлича сўзлаб берди.

— Галереямизда ўтказилаётган Ўзбекистон рассомларининг ушбу кўргазмасига қўйилган ижодий ишлар Шарқ халқлари санъатида мўъжизакорлик ва бетакрорлик устувор эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди, — дейди Жан Пьер Лоррие. – Уларда ижодкорнинг ўз юрти ва ватандошларига бўлган меҳр-муҳаббати туйғулари яққол сезилиб туради. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бажонидил ривожлантириб бораверамиз. Айни пайтда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида француз рассомларининг кўргазмаларини ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

**«Жаҳон» АА.**

*Тадбирлар*

## ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

**"Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим". Машҳур рус масалчисининг қаламига мансуб бу сатр ҳаёт ҳақиқатига нақадар мос эканлигини кўриб, билиб турибмиз. Шу маънода ҳали дунёқараши шаклланмаган, ғўргина тасаввурлар қанотида атак-чечак қилиб вояга етган авлодни вақтида парвариш этмасак, тўғри тарбия бера олмасак, вақтни бой бериб қўйишимиз мумкин. Демакки, ҳар сония, ҳар дақиқа ғаниматлигини ҳис этиб яшамоқ лозим.**

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили сифатида эътироф этилишида, ёш авлоднинг маънавий, жисмоний камолотига хизмат қиладиган турли тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилишида, оналик ва болалик дунёсини муҳофаза этишни кўзда тутган хайрли эзгу амалларда ана шундай сергаклик, миллат келажагига куйинчаклик ётганлигини англаш қийин эмас.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ўтказилган "Гиёвандлик — аср вабоси" мавзуидаги ҳуқуқий-маърифий тадбирда бу борадаги мулоҳазалар яна бир бор таҳлил этилди. Таъкидлаш лозимки, пойтахтимизнинг турли туманларидаги ўрта махсус ўқув юртларида ўтқазилиб келинаётган шу хилдаги учрашувларнинг мазмун-моҳияти фақат гиёвандликнигина эмас, балки ёшлар онгига заҳарли оғу янглиғ чанг солишга уринаётган — ОИТС, ичкиликбозлик, чекишга қарши кураш руҳи сингдирилганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Ушбу учрашув Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бош прокуратура, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан уюштирилиб, унда лицей ўқувчилари, устоз-мураббийлар, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда ёшлар тарбиясининг маънавий омиллари, гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олишда "Камолот" ЁИҲнинг ўрни, гиёвандлик билан шуғулланувчи ёшларнинг жиноий жавобгарлиги ҳамда мазкур иллатларга қарши курашда жамоат органлари олдида турган вазифалар сингари мавзулар юзасидан Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, Бош прокуратуранинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Толибжон Умаров, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасановларнинг маърузалари тингланди.

Лицей ўқувчилари билан очиқ мулоқот, баҳс-мунозара руҳида ўтган ҳуқуқий-маърифий тадбир олдига қўйилган мақсадлар қамровдорлиги билан ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирди дейиш мумкин. Негаки, ўқувчилар гиёвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик ва чекишга қарши кураш фақатгина бизнинг юртимизда эмас, балки хориж давлатларида ҳам кенг кўламда тарғибот-ташвиқот қилинаётгани, санаб ўтилган иллатлар фақат бир давлат ёки муъайян халқгагина эмас, балки бутун инсоният бошига кулфат ёғдириши мумкинлиги борасида маълумотлар олдилар. Тиббий статистика маълумотларида эса бир йилда 4 миллион киши тамаки чекиш оқибатида ҳаётдан кўз юмиши таъкидланади. Шу билан бирга тамаки истеъмоли таъсирида 100га яқин касаллик юзага келиши маълум. Агар 45-50 грамм миқдоридаги никотин инсон организмига юборилса унинг ҳаёт билан видолашуви муқаррар ҳисобланади. Ҳозирда дунё миқёсида гиёванд моддалари — героин, кокоини оғуларидан заҳарланиб, ўлим билан рўбару келаётган инсонларнинг кўпроғи 15-20 ёшдаги ўсмирлар эканлигини ҳисобга олсак вазиятнинг қанчалик қалтислигини тасаввур этиш қийин бўлмайди.

Холисанилло айтганда ёшларимизнинг юқорида санаб ўтилган иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб ижтимоий-маиший муаммоларидан биридир. Шу маънода унинг оқибатларини бартараф этиш зарурати кундан кунга ўз тасдиғини топиб бораётгани шубҳасиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли тадбиркорлар. Сизнинг тадбиркорлик фаолиятингизга назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текшириш ва аралашувлар бўладиган тақдирда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 169-14-45, 162-92-42 рақамли ишонч телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин. Ишонч телефони соат 9.00 дан 22.00 гача Сизнинг хизматингизда.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

*Спорт*

## БУНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Динамо» (Киев) жамоасининг моҳир ҳужумчиси Максим Шацких Англия премьер лигаси аъзоси «Вест-Бромвич» клубида ҳам тўп суриши мумкин.**

Гап шундаки, «Вест-Бромвич» клуби мураббийлари Максим билан қизиқиб қолишди ва уни ўз жамоалари сафида кўришни хоҳлашяпти. Бироқ, Англия премьер лигаси қоидаларига кўра премьер-лига клубларида ўйнаш визасини қўлга киритиш учун футболчи ўз миллий терма жамоасининг сўнгги икки йиллик учрашувларининг 75 фоизида майдонда ҳаракат қилган бўлиши шарт. Ҳамюртимиз Максим эса ҳозирча икки йил давомида терма жамоанинг 22 та расмий учрашувидан 9 тасидагина майдонга тушган. Бу 60 фоизли имконият унга Англия премьер-лигаси клуби аъзоси бўлишига халақит берадими ёки йўқми, ҳарқалай буни вақт кўрсатади.

## ИРИНА – ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

**Кейинги йилларда юртимизда спортнинг шахмат тури ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса «ақл гимнастикаси» болалар ва аёллар ўртасида оммалашаётганлиги қувонарли ҳол.**

Республика шахмат-шашка клубида уюштирилган учинчи аёллар фестивали якунланди. Ушбу нуфузли турнирда юртимизнинг саккиз вилоятидан келган 29 нафар «ақл гимнастикаси» усталари шахмат тахтасида дона суришди. Мусобақалар якунида рақибларидан кўра маҳоратлироқ дона сурган ҳамшаҳримиз Ирина Георгян ҳал қилувчи баҳсда фарғоналик Нафиса Мўминовани енгиб 7,5 очкога эга бўлган ҳолда фестиваль ғолиблигини қўлга киритди. Шунингдек, етти очко жамғарган жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова иккинчи, қашқадарёлик Нодира Нодиржонова учинчи ўринлар билан кифояланишди.

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МОСКВАГА БОРИШАДИ

**Маълумки, 17 августда жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи босқичи иккинчи даврасининг сўнгги баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси «Пахтакор» марказий стадионида Қувайт терма жамоаси билан куч синашди.**

Ушбу учрашувда ғалаба қозонган терма жамоага плей-офф баҳсларида қатнашиш ҳуқуқи берилади. Шу боис ҳам иқтидорли мураббий Равшан Ҳайдаров етакчилигидаги терма жамоамиз айни кунларда ўқув машқ йиғинларида қувайтликлар билан кечадиган беллашувга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Дарвоқе, Равшан Ҳайдаров шогирдлари бир неча кун Россия пойтахти Москвада уюштириладиган йиғинлари давомида Москванинг «Спартак» клуби чарм тўп усталари билан ўзаро куч синашишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда миллий маданият марказлари жамоалари Марказ раҳбари Тимур Алимовга турмуш ўртоғи **Фарида АРИФХОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Қутуриш инсониятга жуда қадимдан маълум ўта хавфли касалликдир. Кўп асрлар давомида инсоният бу ўта хавфли касалликнинг сир-асоратини билиш, касалланиш сабабини аниқлаш ва унга қарши кураш воситалари устида бош қотириб келди.**

*Шифокор огоҳлантиради*

## ХАВФЛИ ХАСТАЛИКДАН САҚЛАНИНГ

Француз халқининг буюк фарзанди Луи Пастер биринчи бўлиб бу оғир хасталик сабабчиси тирик мавжудот эканлигини исботлайди ва 1885 йили тиббиёт фани тарихига биринчи маротаба қутуришга қарши вакцина (махсус зардоб) тайёрлайди ҳамда мана шу вакцина воситасида қутурган бўри тишлаган боланинг ҳаётини сақлаб қолади. Лотин тилида “қутуриш” — “рабиес” деб аталгани учун қутуришнинг олдини олишга ишлатиладиган зардобни — “антирабический” яъни қутуришнинг олдини олувчи вакцина деб юрита бошладилар.

Қутуриш ўта — хавфли хасталик ҳисобланишига қарамай, кўпчилик ит қопган шахслар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмайдилар. Қутуриш касаллигининг келиб чиқишига энг муҳим омиллардан бири ит тишлаган жойни тўғри аниқлашдир. Кўпгина ҳолларда қутуриш касаллигига дучор бўлганларнинг бош, бўйин, қўлларининг жароҳатланганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Кўпгина болаларнинг бўйларини паст бўлиши, уларни қутурган итдан сақланиш кўникмаларини йўқлиги туфайли қутурган ит уларни бош қисмларини, бўйинлари ва қўлларини оғир жароҳатлашига сабаб бўлади.

Ёш болаларни қутурган ит ёки мушуклар томонидан тишланишига кўп ҳолларда болаларни кўча-кўйда кимсасиз дайдиб юрган ит мушуклар билан ўйнашлари сабаб бўлмоқда. Қутуриш вируси жароҳатланган ердан, бош мия томон асаб толалари орқали ҳаракат қилади. Тананинг юқори қисмида жойлашган қисмларининг жароҳатланиши, қутуриш хавфини кескин оширади. Шунинг учун қутурган ҳайвон тишлаганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Тошкент шаҳар Саломатлик маркази шифокорлари, даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари, санитария тарғиботчилари томонидан кенг аҳоли ўртасида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета) орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин бу ўтказилаётган тадбирлар самараси тўғрисида гапирсак, бу борада ҳали кўп ишлашга бу муҳим ва зарур тадбирга барча СЭС ходимлари, МСЧ диспансерларининг тиббий ходимлари, маориф тизимидаги барча тарбиячилар, ўқитувчилар, милиция ходимлари ўз ҳиссаларини қўшмоқлари шартдир. Кўпгина жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар қўмиталари, “Соғлом авлод жамғармаси” тизимидаги вакиллар бу муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқлари фарздир.

Тушунтириш ишларидан асосий мақсад ҳам ит ёки мушук тишлаганида зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш, кечиктирмай қутуришга қарши эмлашни ташкил қилишга эришиш лозимдир. Ўта хавфли қутуриш касаллигининг олдини олишга биргина эмлаш орқалигини эришиш мумкинлигини унутмаслигимиз шарт.

Ит тишлаган тақдирда тишланган яра юзасини совунли сув билан ювиб яра атрофи йод билан ишланади. Тишланган ит ёки мушук ушланиб ветеринария пунктида 10 кун давомида назоратда тутилади. Қутуришдан сақланишнинг бирдан бир йўли, ўз вақтида қутуришга қарши эмлашдир. Уйда боқилаётган ит, мушукларни ўз вақтида эмлатишни унутманг.

**Абдуваҳҳобб ТОҲИРИЙ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Соғлом турмуш тарзи” кафедрасининг катта ўқитувчиси.**

## “02”: ҲОДИСАЛАР

◆Чилонзор туманида жойлашган уйларнинг бирида, ўз хонадонида фуқаро Л.Кременнинг жасади топилган. Воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимларининг, шунингдек суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Л.Кременнинг ўлимига унинг баданига бир неча бор пичоқ билан урилгани сабаб бўлган.

Унинг уйида ҳамма нарсаси ўз жойида қолган. Жиноят қидирув бошқармаси тезкор қидирув ходимларининг биринчи тахминий хулосасига кўра, Л.Кременни ўлдириш, ундан қасд олиш мақсадида содир қилинган. Чунки унинг баданига бир эмас, бир неча бор пичоқ санчилган. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда жиноятчини қўлга олиш мақсадида Чилонзор тумани тезкор ходимлари қидирув ишларини бошлаб юборишди. Улар марҳум Л.Кременнинг барча яқинлари ва танишларини сўроқ қилишди. Маълум бўлдики, жабрланувчининг уйига келганлардан охиргисини, қўшнилари кўрган экан. Натижада, тезкор ходимлар марҳумнинг қўшнилари гапириб берган одамни унинг тахминий сурати асосида топишди ва уни ички ишлар бошқармасига олиб келиб, кўрганлар билан юзлаштиришди. Ниҳоят ҳаммаси “хамирдан қил суғургандай” ниҳоясига етди. Л.Кременнинг қотили, муқаддам бир неча бор судланган, марҳумнинг эски таниши М.Фарахутдинов бўлиб чиқди. Уни зудлик билан ҳибсга олиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, ушбу қотилликни нима мақсадда содир қилганлигини аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Ҳамза туманида истиқомат қилиб келган, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Н.Коробков, ўз уйида маст ҳолда, ўзи билан шу хонадонда яшаб келган ўғли, ҳеч қаерда ишламайдиган А.Коробков билан жанжаллашиб қолиб, ошхона пичоғи билан ўғлининг чап кўкрак қисмига тан жароҳати етказган. Натижада ўғли ўпкаси ҳамда ошқозонига санчилган — кесилган чуқур жароҳати билан, оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Отаси Н.Коробков эса ички ишлар бош бошқармасининг вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Бектемир туманидаги Қўйлиқ бозори ёнида, нафақадаги фуқаро М.Қосимовага, тўсатдан кутилмаганда номаълум бир шахс тажовуз қилиб, дўқ-пўписа билан унинг 21000 сўм пули ҳамда нафақа гувоҳномаси солиб қўйилган сумкасини куч ишлатиб, қўлидан юлиб олиб қочиб кетган. Йўлда қочиб бораётган пайтида, шу худудда хизмат олиб бораётган Пост-патруль хизмати ходимлари уни пайқаб қолиб, тўхтатиб, қўлидагини текширишганида ҳаммаси маълум бўлган. Шу дамда фуқаро М.Қосимова ҳам етиб келган. Ўғрини ҳибсга олиб, Бектемир туман ИИБга элтиб қўйишди. Туман тергов бўлимининг олиб борган суриштирув ишлари натижасида ушбу босқинчиликни содир қилган шахс, ҳеч қаерда ишламайдиган Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи О.Рахматов эканлиги маълум бўлди.

◆ Сергели туманида истиқомат қилувчи нафақадаги фуқаро Ф.Каримованинг хонадонига, тонгги соат 4.00 ларда, дераза очиқлигидан ҳамда қўшни хонада уй эгасининг ухлаб ётганлигидан фойдаланиб, иккита ёш йигит яширинча, секин кириб олишган. Уйдан Ф.Каримовага тегишли бўлган сариқ металлдан ясалган иккита билакузук, “JVS” видеомагнитофони, “Материн” телевизори, дазмол, биллурдан ясалган ҳар хил идиш ва сервислар ҳамда 200.000 сўм пулларини ўғирлаб, сумкаларига жойлаштириб, секин яна шу йўл билан, яъни дераза орқали чиқиб кетишган. Бироқ ушбу ҳудудда “Тун” махсус тезкор хизматини олиб бораётган Пост-патруль хизмати ходимлари томонидан сезиб қолиниб, тўхтатилган. Уларнинг сумкалари текширилганида, бу йигитлар нима дейишни билмай, эсанкираб қолишган. Бу билан тезкор ходимларда шубҳа уйғотишган. Натижада уларни Сергели тумани ИИБга олиб бориб, сўроқ қилишганида, ҳаммаси маълум бўлган. Ушбу ўғриликни содир қилган бу ўсмир йигитларнинг ҳеч қаерда ўқимайдиган 16 ёшли А.Андрей ҳамда мактаб ўқувчиси 13 ёшли З. Юра эканликлари маълум бўлди. Ушбу жиноятга қўл уришга уларни нима мажбур қилганлигини аниқлаш мақсадида, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор.**

**Ҳа, худди шундай. Мунажжимлар бугун сиз атрофдагиларнинг ўзингизга қандай муносабатда эканлигини билиб оладиган кун деб таърифлашган. Куннинг асосий аломати уй ҳайвонларининг ўзларини тутишлари билан боғлиқ. Итнинг сизга қараб жаҳл билан ҳуриши ёки мушук тирнаб олиши нохушликлар ва жанжаллардан хабар беради.**

*Мунажжим башорати*

## ҚАДРИНГИЗНИ СИНАЙДИГАН КУН

**19 ИЮЛЬ, СЕШАНБА**

Бугунги кун рамзига кўра, янги йирик миқёсли лойиҳалар устида иш бошлайдиган аъло кунлардан бири. Лекин Ой сайёрасининг эрталаб соат 10.04 дан 16.27 гача йўналишсиз ҳолатда бўлиши бирон-бир янги ишни бошлаш имконини йўққа чиқаради. Шунинг учун ё ишни пайсалга солмай эрталаб азондан бошлаб юбориш ёки Тоғ эчкиси буржига ўтиш вақтини кутиб туриш керак бўлади.

Агар сиз ижодий юксалишнинг янги босқичига кўтарилишни истасангиз, эрталаб саҳарда ишга киришинг. Чунки сиз кечгача ўзингизнинг чинакам истеъдодингизни ҳис этиш имконига эга бўласиз. Яхши ниятлар қуршовида ширин хаёллар оғушида узоқроқ қолишни истаганлар эса, булутлар оша парвозни кечгача давом эттириши мумкин.

Кўзгу парчаси ёки танга топиб олиш куннинг яхши аломати ҳисобланади.

Бу кеча кўрилган тушлар башоратли бўлади.

Саломатлик масаласида бугунги кун дори-дармонлар тайёрлаш, косметик муолажалар, ёшартирадиган, тозалайдиган тадбирлар ўтказиш учун самарали бўлади.

Бугун оч қолиш мумкин эмас — кўнглингиз тусаганини, лекин меъёрида истеъмол қилиш лозим. Тансиқ мева ва таом билан ўзингизни сийланг.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган, ранги ўчган ҳамда кўк ва кумушранглилари бугунги кун руҳига мос келади. Сариқ ва зарғалдоқ ранглардан воз кечинг.

**СЕШАНБА**

— хизмат сафари ёки жамоа бўлиб саёҳатга йўл олиш;
— янги иш бошлаш;
— аниқ амалий муаммоларни ҳал этиш;
— оилага кўпроқ эътибор бериш;
— принципиал масалаларда жанжалдан ва айтишиб қолишдан қўрқмаслик;
— ўзингиз жуда яхши уддалайдиган ишлар билан шуғулланишингиз тавсия этилади.

Жозибадор истиқболларни кўз-кўз қилувчи таклифларга учиш, жуда манфаатли тузилган битимларни имзолашга ошиқманг.



Изоҳга ҳожат йўқ.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. 1 2 3 4 6